



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 121 (9107). • 1987 йил 26 июнь жума • Баҳоси 3 тийин.

ЎҚУРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Партия XXII съезди» колхоз (ранси Р. Усмонов, партия ташкилотининг секретари А. Партиев, касаба союз ташкилотининг раиси Х. Хайруллоев, комсомол ташкилотининг секретари Х. Доноев, пиллачилик бўйича агротехник Ж. Холтурева), С. Сегабозов номли совхоз (директори Н. Бердикулов, партия ташкилотининг

секретари П. Тожев, касаба союз ташкилотининг раиси Ш. Холбоев, комсомол ташкилотининг секретари Т. Текмуродов, пиллачилик бўйича агротехник С. Шамсутдинов), КОММУНИСТИК РАЙОНИ БЎЙИЧА «Политотдел» колхоз (ранси В. С. Ким, партия ташкилотининг секретари В. Т. Ким, касаба союз ташкилотининг раиси Л. Г. Пак, комсомол ташкилотининг секретари Р. Ҳабидуллин, пиллачилик бўйича агротехник А. Пак), ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА Илчиқ номли колхоз (ранси Т. Алимов, партия ташкилотининг секретари Ш. Баходиров, касаба союз ташкилотининг раиси А. Абро-

лов, комсомол ташкилотининг секретари Б. Азимов, пиллачилик бўйича агротехник Р. Тожиев), БҒА РАЙОНИ БЎЙИЧА «Коммунизм» колхоз (ранси С. Саидмаматов, партия ташкилотининг секретари Г. Шодмонов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Шотемиров, комсомол ташкилотининг секретари А. Оқилбоев, пиллачилик бўйича агротехник М. Сидықов), Мичурин номли колхоз (ранси У. Жаркинбоев, партия ташкилотининг секретари И. Аширбоев, касаба союз ташкилотининг раиси И. Сариев, комсомол ташкилотининг секретари С. Қўшбонов, пиллачилик бўйича агротехник Т. Аширматов).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1987 йил 25 июнь кунин КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. «Партиянинг экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги вазифалари тўғрисида»ги масала Пленум муҳокамага киритилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев мазкур масала юзасидан доклад қилди. Пленум қатнашчиларига ўртоқ М. С. Горбачев докладнинг тезислари билан, шунингдек халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш масаласи юзасидан меҳнаткашларнинг мактублари обзори би-

лан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилди. Мажлисда доклад юзасидан музокараларда: Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шербицкий, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Вороников, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, В. П. Чкалов номдаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токарлар бригадир В. Т. Одилов, КПСС Тюмень область комите-

тининг биринчи секретари Г. П. Богамяков, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяк, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. В. Тализин, Горький область Ковернино районидаги В. И. Ленин номли колхоз раиси М. Г. Вагин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти,

М. В. Ломоносов номдаги Москва давлат университети ректори А. А. Логунов, КПСС Архангельск область комитетининг биринчи секретари П. М. Теленев, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патишвили, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Қурилуш ишлари Давлат комитетининг раиси Ю. П. Баталин ўртоқлар сўзга чиқдилар. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 26 июнь кунин ўз ишини давом эттиради.

ПАРТИЯНИНГ ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1987 йил 25 июнда КПСС Марказий Комитети Пленумидаги доклади тезислари

Ушбу Пленумда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун, қайта қуришни янада чуқурлаштириш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар кўриб чиқилади.

Қайт партия ишлаб чиққан йўлнинг тўғрилигини тасдиқлади. Мамлакатда кенг кўل оқибатда қайта қуриш — Октябрь ишнинг бевосита давоми, партиянинг марксизм-лениннинг революцион ишига садоқатининг далилидир.

Совет кишиларнинг ҳар бир авлоди Октябрь ғалабларини ривожлантиришга, мустақамлаш ва ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Биз ўз тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, келажакка қомил ишонч билан назар ташламоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида янгиланишга ҳар томонлама комплекс тус бериш зарурати яққол кўрсатиб берилди, қайта қуришга кенг халқ оммасини жалб этишнинг асосий шарти сифатида, бошланган иш охиригача етказилишининг гарантиеси сифатида жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини демократиялаштириш йўли асослаб берилди.

Янгиланиш совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида бошланиб кетди. Иқтисодий оғда сезиларли ўзгариш бўлиб берди, партия ва жамиятда руҳий-психологик вазият ўзгармоқда, маънавий ҳаёт жонланди. Силсий системани такомиллаштириш ва ривожлантириш, шубҳасиз иқобий натижалар бермоқда. Жамиятни демократиялаштириш сари қатъий бурилиш партиянинг катта силсий ғалабасидир. Тажриба бу борада ҳам тўғри йўл танлаб олинганлигини яққол кўрсатиб турипти.

Биз қайта қуришнинг энг қийин даври — амалий ишлар даврига қадам қўйдик. Энг муҳими оғирлик марказини қабул қилинган қарорларни бажариш борасидаги ишларни соҳибқамонлик ва кунт билан амалга ошириб юборишга ўтказишдан иборат бўлиб, қайта қуришнинг муваффақияти шунга боғлиқдир.

Қайта қуришнинг кўп йўналишларидаги муайян иқобий силсийлар беғамлик учун асос бўлмоқда. Ўзинг проблемалар ҳақдан экид қўлайиб кетди, уларни қисқа муддат ичида ҳал этиб бўлмайди. Марказий Комитет — Силсий бюроси, тап биринчи навбатда устуни йўналишлардаги ишларни аниқ-равшан ажратиб олиши, қайта қуришнинг суръатлари ва муҳлатлари тўғрисида бормоғи керак, деб ҳисоблайди. Ҳар бир кичик оғдага аниқ мақсадлар

ва вазифалар қўйилмоғи лозим.

Қайта қуришнинг бориши сурут кетаётганлигидан далолат бермоқда. Бу гап экономика соҳасига ҳам, социал ҳаёт, партия, совет, хўжалик органлари, раҳбар кадрлар ишига, меҳнат коллективларининг ҳаёти ва фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Марказий Комитет апрель Пленуми ва партия XXVII съезидан кейин социал-иқтисодий тараққиёт масалалари юзасидан қабул қилинган бир қанча муҳим қарорларни бажаришда қўлқонилган йўл қўйилдики, бу нарса кийинги таҳлил этилмай, конкрет амалий чоралар кўришга қўлқонилиши мумкин эмас. Кўпгина ҳолатларда партия, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари жамиятда тез ўсиб бораётган жараёнлардан оғда қолмоқдалар.

Демократик ўзгаришлардан қўнчиш ҳолатлари ҳам учраб турипти. Холбуки, гап принципал масала — қайта қуришга чинаман демократик теозкорлик бахш этиш тўғрисида бораётди. Демократия асосиданги меҳнаткашлар оммасини актив иқтисодий, маданий, социал фаолиятига жалб этиш, кадрлар силсатини самарали ўтказиш учун қулай вазият вужудга келтириш, қарорларни ишлаб чиқишда хатоликлар йўл қўймаслик, пастанда қўриғича таъсирчан назорат бўлишига эришиш мумкин.

Социалистик демократизмни ривожлантириш, халқ хўжалигини бошқариш механизминини қайта қуриш юксак ташкилотчилик ва оғда интизомини, социалистик жамият тартиботи ва турмуш қоидаларига қатъий риоя қилинишини тақозо этади. Йонун доирасида ривожланиб боруви активлик, ташаббуслар эса ўз навбатида ҳамма чоралар билан қўлқонилмоғи, раббатлантирилиши, маънавийда қондалар, йўлба чикарилган инструкторлар ва ҳар ҳил кўрсатмалар билан чеклаб қўйилмаслиги лозим. Силсатдаги бундай бурилиш барча давлат органларини гоият индий равишда қайта қуришни кўзда тутати.

Афтидан, Марказий Комитетимиз Пленумида давлат ва хўжалик аппаратини тубдан қайта қуриш масаласига жуда яқин келганлигини қайд этишга ҳақлимиз. Январь Пленумидан кейин ўтган давр партия ишига индига иқобий ёндашувлар зарурати масаласини индига бир қарра кескин қилиб қўйди. Партия жамият ҳаёти-

нинг ҳамма соҳаларида амал олидиб юборилган жараёнларга мохирлик билан раҳбарлик қилмоғи лозим. Силсий Бюро барча партия ташкилотлари ўзгаришлар олдида бўлиши кераклигига асосланади. Жамиятда рўй бераётган қайта қуриш партияда, аниқса, партиянинг раҳбар органларида шу жараёнларни тушуниб етишдан ўзиб кетишига, партиянинг ўзидаги қайта қуриш жамиятда рўй бераётган ўзгаришлардан оғда қоллишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бу борада партия органларимиз, кадрларимиз иш усулларини ва методларини янгиллаш ҳовир лозим даражада активлик билан олиб борилмапти. Партия органларининг шу жумладан, район ва шаҳар даражасидан партия органларининг фаолиятини ўрганиш улар орасида қайта қуриш гоилари ва ишларини тушуниб етганлар учун кўп эмаслигини кўрсатмоқда.

Январь Пленумидан кейин партия ва жамиятда қайта қуриш муқарраллигига ишончининг яқин даражасига эришилди, хатти-ҳаракатларимизга куч-қувват қўшилди. Ленин ҳали кўп ишлар ўзгартиришга замон талабларига мувофиқ келмайди. Одамлар қайта қуриш тақдирдан ташвишланиб, партия Марказий Комитетини олдида партия, давлат ва хўжалик органларига, ҳамма даражаларда талабни кўчатириш, топирилган иш учун масъулиятини ошириш масаласини қўйилтилар. Етилган ўзгаришларни амалга оширишга ўзининг тағаблатини сабабли тўқсилани қилаётган кишилар олдида талаблар қўйилган пайт келди.

II.

Ҳозир экономикани ривожлантиришни нималар ушлаб турибди? Иқтисодий механизмнинг бошқариш системасининг самарасизлиги, деб рўй-рост айтивериш керак. Кейинги икки йил ичида экономикани бошқаришда чуқур ўзгаришлар жараёни бошланди, 70—80-йилларда вужудга келган вазиятни таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган хўжалик юритишнинг янги методлари ҳамда бир қанча иқтисодий тажрибалар ўзлаштирилмоқда. Анча-мунча ишлар қилиб қўйилди, лекин эришилган натижалар жуда оқ. Ўзгаришлар бўлса ҳам, улар жуда кам, туб ўзгаришлар эмас. Экономикани бошқарувчи яқин система яратиш

борасидан асосий ишлар ҳали олдинда.

Партия ишлаб чиққан ва ушбу пленум муҳокамага қўйилган туб ислохот концепцияси — тарихий тажрибаларни танқидий таҳлил этиш натижаси, янгича шароит ва ҳаётшарҳага берилад жавобдир. Бу ислохот иқтисодий ўсишни оралик натижалардан пировард, социал аҳамиятга молик натижаларга ўтказишни, ҳаётий эҳтиёжларни қондириши; хўжалик самарали олиб борилишига йўл қўйилган таҳлилчи вазияти бағраф этилишини; хўжалик муносабатларида истеъмолчинин биринчи қилиб қўйиш, унга таълаш ҳуқуқи ва имкониятларини бериши; фан-техника тараққиётини иқтисодий ўсишининг асосий омилга айлантириши; пухта ишчилик индига ҳаражат меҳанизми яратилишини қўлайди. Ислохотнинг мохияти — ҳамма даражаларда раҳбарлик қилишда маъмуриятчилик методларини устуни қўйишдан иқтисодий методларни устуни қўйишга, бошқарувни кенг қўламда демократиялаштириш, инсон омилдини ҳамма чоралар билан кўчатиришга ўтиштириш.

Тақлиф этилаётган қайта қуриш қуйдагиларни ўз ичига олади: биринчидан, бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллик миёслари тоғда кенгайтирилиди, улар тўла хўжалик ҳисобига ўтказилди, энг юқори пировард натижаларга, истеъмолчилар олдидаги мажбуриятлари бажарилади, коллективларининг даромад даражаси уларнинг иш самарадорлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди, меҳнат муносабатларида коллектив пурдат кенг қўламда ривожлантирилди;

иккинчидан, экономикага марказлашган раҳбарлик тубдан ўзгаририлди, унинг сифат даражаси оширилди, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегиясини, сифатини, суръатларини ва мутаносибларини белгиловчи асосий масалаларга жамланади ва айна пайтда куйи хўжалик бўғинларининг оператив фаолиятига марказнинг аралашувидан қатъийн ҳоли қилинади;

учтинчидан, планлаштириш, нарх белгилаш, пул билан таъминлаш ва кредит бериш, моддий-техника таъминотини, фан-техника тараққиётини, меҳнат ва социал жараёнларни бошқариш тубдан ислох қилинади;

тўртинчидан, иқтисодлаштиришни чуқурлаштиришни ва кооперация алоқалари пухталигини таъмин-

ловчи янги ташкилий структуралар яратилди, илм-фан ишлаб чиқариш билан бевосита шугулланади ва шу асосда жаҳондаги сифат даражасига чиқиб олинади;

бешинчидан, ортиқча марказлашган, команда бериладви бошқариш системасидан демократик систематга ўтилади. Ўзини ўзи бошқарув ривожлантирилди, инсон шахси имкониятини кўчатиришчи механизм яратилди, вазифалар аниқ белгилаб қўйилди, партия, совет ва хўжалик органлари фаолиятининг услуб ва методлари тубдан ўзгаририлди.

Иқтисодий механизм мохиятини ва унинг умумий йўналишини аниқ тушуниб етилганлигига, бу соҳада чуқур революцион ўзгаришларни амалга ошириш мумкин бўлади. Силсий жиҳатдан олганда, бу ўзгаришлар биз учун аниқ-равшан бўлиб, кўпроқ социализм бўлиш, кўпроқ демократия бўлиш, деган формула билан ифодаланади. Қилинаётган хатти-ҳаракатларнинг — социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, социализмни амалда мустақамлашдан иборат асосий мезонининг тўғрилиги шундан келиб чиқади.

Социализм назарияси ва практикасининг асосий масаласи — иқтисодий, илмий-техникавий ва социал тараққиёт омилларини капитализмга нисбатан социализмнинг замнида қандай қилиб янада кучли қилиш, планли раҳбарликни шахс ва коллектив манфаатлари билан қандай қилиб қўйишдан иборатдир. Бу энг мураккаб масала бўлиб, социалистик тафаккур ва иқтисодий практика шунга жавоб қидириб келди ва ҳозирда ҳам қидиришда. В. И. Ленин шу масалага то сўнгги мақоалаларига ҳақиқат мурожаат этиб келганди.

Биз бутунин кунда дуч келган масала айна шундир. Асосий проблемаларимиз ва зиддиятларимизнинг илдизи мана шу масала замиридадир. Бу борада кўпгина масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Иқтисодий меҳнатни кўчатиришчи таъсирли омиллар ва механизмларни яратиш қалитини меҳнаткашларга ўз иш ўрнида ҳам, меҳнат коллективиди ҳам, умуман жамиятда ҳам ҳақиқий эгаллик маъқени таъминлаб беришда деб биламиз. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш соҳибқарин сифатидаги манфаатлари — социал-иқтисодий ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришчи энг эфр манфаат, энг қудратли қудир.

Социалистик мулк каби туб масала хусусида янги

тасаввурларни ишлаб чиқиш зарурлиги шундан келиб чиқади. Биз бу ишни бошлаб юбордик, одамлар, коллективлар, корхоналар (бирлашмалар), тармоқлар ва территориял комплекслар ўртасидан иқтисодий муносабат сифатидаги, шунингдек манфаат ва омиллар мураккаб системаси сифатидаги бутун бойликлар билан иқтисодий мулк мазмунини тўла очиб бермоқ учун уни қатъий чуқурлаштириш зарур.

Иқтисодий мулкни замонавий тушуниш корхоналар ўртасида, шу жумладан давлат корхоналари билан кооперативлар ўртасида иқтисодий эҳтиёжлар яхшироқ қондирилиши учун иқтисодий зарурат эътироз этилишини, айриқ корхоналарнинг монополиячилик маъқени чеклинишини ҳам ўз ичига олади.

Халқ хўжалигига марказлашган планли раҳбарликнинг унинг айрим бўғинлари мустариллиги билан, планли ишларнинг товар — пул муносабатлари билан ҳамкорлик проблемаларини қайтадан яқиний идрок этиш лозим.

Хуллас, биз ҳозирги босқичдаги тараққиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хўжалик механизмининг тубдан қайта қуришга кенг майдон очиб бериш учун социализмнинг иқтисодий шакллари тўғрисидаги тасаввурларимизни янгиланишимиз керак. Шу қайта қуриш чоғида социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг янада юксак тараққиёт босқичига чиқоғимиз лозим. Бу муносабатлар ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларига мувофиқлаштиришмоғи зарур. Бусиз биз социалистик тараққиётга янги омиллар бера олмаймиз ва янги руҳ бахш эта олмаймиз.

III.

Партия XXVII съезидан кейин олдиндада бошқарувни тубдан ислох этишни нима мақсад бошлаш керак, деган масала кўндаланг бўлиб турди. Планли экономика шароитларида иқтисодий меҳанизм қайта қуриш жараёни марказлашган раҳбарлик органларини вазифаларини ўзгариштириш билан боғлиқ қилиб қўйилди. Барча жорий ҳаважатлар, шу жумладан, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш кенгайтириш билан реконструкция қилишга бир йўла сарфланган маблағлар ишлаб топишган маблағлар ҳисобидан қоплана-

энг қулай иқтисодий муҳит яратиш, унинг ҳуқуқларини мустақамлаш, масъулиятини ошириш ва шу асосда бошқарувнинг бутун юқори бўғинлари фаолиятига туб ўзгаришлар киритиш мақсадида шундай қилдик.

Биз корхоналар (бирлашмалар) иқтисодий ишизимининг пойдевори эканлигига асосланами. Махсулот одамларнинг меҳнати билан вужудга келтирилади, фан-техника тафаккурини моддийлашди, деган беш иқтисодий жараён ана шу ерда кенг қулоқ ёпти. Иқтисодий ва социал муносабатлар ана шу ерда реал бўлиб келади, одамларнинг шахси, коллектив, иқтисодий манфаатлари бир-бири билан ҳамбарчас боғлаиб кетади. Умуман қайта қуришнинг муваффақияти биз асосий бўғиндаги ишларнинг боришини қандай ўзгариштиришимизга боғлиқ бўлади.

Корхона (бирлашма)нинг ҳозирги хўжалик механизми қандай бўлади? Бу механизм ишлаб чиқишга киши ўзини бир қилиб қайта ишлар ва ўтиши тасаввурлари билан боғламай, иқтисодий ва социал самарадорлик манфаатларидан келиб чиқиб, муқабил ҳолис туриб ёндашмоғи ниҳоятда муҳимдир.

Махсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планини иқтисодий эҳтиёжлар, ҳақини тўлашга қодир талаб асосида корхонанинг ўзи тузиши назарда тутилди. Жамият манфаатлари давлат бюротмалари орқали қамраб олинган. Валансга эришиш хусусига келганда, уни таъминлаш учун контрол рақамлардан фойдаланилади. Контрол рақамлар планни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумот бўлиб хизмат қилиши ва директива тусида бўлмаслиги керак. Шу муносабат билан планлаштиришда, корхоналарнинг фаолиятига баҳо бериш ва моддий раббатлантиришда шартномаларнинг роли кескин ошди ва-бу нарса бюротмачи билан ишлаб чиқарувчининг ўзаро масъулияти кучайтирилишини назарда тутати.

Ўзига ажратилган ресурслардан фойдаланиш учун корхоналарга тўла масъулият қоплатилди, меҳнаткашларнинг даромад даражаси пировард натижаларга бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Барча жорий ҳаважатлар, шу жумладан, меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш кенгайтириш билан реконструкция қилишга бир йўла сарфланган маблағлар ишлаб топишган маблағлар ҳисобидан қоплана-

Шундай қилиб, бу ерда гап самарали ва шу билан бирга ҳар бир меҳнаткашга содда ва тушунарли хўжалик механизмни яратиш тўғрисида бормоғи лозим. Янги хўжалик механизмининг асосий иқтисодий давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун лойиҳасида акс этирилган.

(Давоми 2-бетда).

Янги рубрика: ОШКОРАЛИК АМАЛДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИГА КЕЛАЁТГАН ХАТЛАРДАН

ХАР КУНИ Тошкент область партия комитетига ўнлаб хатлар келади. Уларнинг аксарият қўи қисми партиявий ишларга тааллуқли эмас. албатта. Лекин, шунга қарамай, одатда уларни қўриб чиқиб ва ҳал этишни сўраб партия органларига юборишди. Ҳолбуки, бу хатларнинг мазмуни ҳар хил турмуш муаммолари, кишиларнинг эҳтиёжлари, лоқайдлик, тошбағирлик ва эътиборсизлик каби иллатлардан ранжишлардан иборатдир. Табиийки, хатлар

ҳақон область партия комитетига келгани, улар билан жиддий ва ҳолисона шуғулланмоқ керак. Аммо, бу ўрнида шундай ҳаққи савол туғилади: қўи, бузилган тоғни тўзатиш ёки медицина ходимининг доқайдлик устидан шикоят билан нима учун айнан область партия комитети шуғулланиши керак? Гап шундаки, вазиятни аниқлаш масалани очди қилдишлари лозим бўлган у ёки бу ташкилотларнинг раҳбарлари шундай қилмайдилар, бунинг устига хатларнинг эгаларига жавоб йўлда маълумиятлар. Гражданиларни область партия комитетига

мувожаат қилишга мажбур этаётган сабаб ҳам худди мана шу. Ҳақиқат, гражданиларнинг шундай шикоятларига лоқайд муносабатда бўлаётган айри раҳбарларнинг хат-ҳаракатларига принципиал баҳо берилди, албатта. Лоқайдлик — ўз хизмат вазифасини бажармаслик демакдир. Тошкент область партия комитетига келган ана шундай хатлардан бир нечасини эътиборингизга ҳавола этаемиз.

Область район (шаҳар) халқ судларига халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини сайлашнинг яқунлари тўғрисида АХБОРОТ

1987 йил 21 июль яқинда кўни область район (шаҳар) халқ судьялари сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов кампанияси меҳнатчилар ва бутун аҳолининг кўксак активлиги остида ўтди. Сайловларга тайёргарлик ишлари Ўзбекистон Конституцияси ҳамда Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судьяларига сайловлар тўғрисида»ги Қонунига тўла мувофиқ ҳолда олиб берилди. Халқ судьяларини сайлаш учун 22 та сайлов комиссияси тузилди, уларга жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг 293 вакили жалб этилди. Комиссия составининг 158 нафари ёки 53,9 проценти ишчи ва колхозчилардан, 112 нафари ёки 38,2 проценти КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатлардан, 181 нафари ёки 61,7 проценти партиячилардан, 154 нафари ёки 52,5 проценти аёллардан, 93 нафари ёки 31,7 проценти ўттиз ёшга бўлган ёшлардан, 69 нафари ёки 23,5 проценти ВЛКСМ аъзоларидан иборат эди. Сайлов ўтказиш учун 44 та сайлов округи тузилди.

Жами сайловчиларнинг 99,88 проценти овоз беришда иштирок этди. Сайловчиларнинг 99,47 проценти халқ судьялари номзодалари учун, 0,4 проценти эса қарши овоз берди. Область бўйича жами 22 та район (шаҳар) халқ судьяларига 44 халқ судьяси сайланди. Шулардан 9 нафари ёки 20,4 проценти аёллар, 39 нафари ёки 88,6 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 5 нафари ёки 11,3 проценти партиячилардир.

Меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва турар-жойлардаги гражданиларнинг йиғилишларидан 22 район (шаҳар) халқ судьяларига 3300 халқ маслаҳатчилари сайланди. Халқ маслаҳатчилари составида 1174 нафари ёки 35,5 проценти ишчи ва колхозчилардан, 304 нафари ёки 9,2 проценти колхозчи бор. Халқ маслаҳатчиларининг 1266 нафари ёки 38,3 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 2034 нафари ёки 61,6 проценти партиячилар, 1573 нафари ёки 47,6 проценти аёллар, 656 нафари ёки 19,8 проценти 30 ёшга қадар бўлган ёшлар, 312 нафари ёки 9,4 проценти ВЛКСМ аъзоларидир.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОЯ КОМИТЕТИ.

НИМА УЧУН ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМАДИ?

ЕШ МУТАХАССИС ҚАЕРДА ЯШАШ КЕРАК

ЯНГИЙЎЛ медицина билим юртини битирганимиздан сўнг бизни Олмадиқ шаҳар туғруқхонасига ишга йўллашди. Тақсирлаш лойиҳада Олмадиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими яшаш жойи ва прописка билан таъминланди, дейишган эди. Аммо туғруқхонанинг бош врач гагонна лўнда қилди: бизда ётоқхона йўл, ёллаш учун квартира қидиринглар...

елка қисшиб, қўнгина ёш мутахассислар шундай яшашли-қу. чидаш керак, дейишдан нарига ўтишмайди. Биз квартира тополмадик. Тоғанимизда ҳам барибир иқтисодий имкониятимиз кўтармас эди. Ҳар кунини Янгийўлдан автобусда ишга қатнашимиз. Еш мутахассисларга нисбатан шундай муносабатда бўлиш, яхшими ахир?! ...Шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларининг эҳтиёжи учун Олмадиқ бизнинг билим юртимиздан 100 нафар медицина ходимини юборишни сўраганини маълум. Ҳолбуки биз уч кишига жой топиб беришолмадик. Шундай экан, уёқча ким ҳам борарди?! Дурустлик ишлаш учун шариот, гамхўрлик кераклиги ўз-ўзидан маълум. Бунда — ишайдиган жой масаласи биринчи ўриндадир. Тўғри, ҳаётда қийинчиликлар, албатта. Булишини биз тушунамиз. Аммо мустайил иш бошлашимиз билан

БЕДАВО ДАРДНИНГ ЎЗГИНАСИ

УНИМИЗ эски гувала уйлари. Икки хонали. Ҳужумий сатиҳи 25 квадрат метр. Шу хоналарда етти киши яшаймиз. Уларнинг бирини эримнинг акаси олмас билан туради. Бошқасида биз қайнонам, эрим, икки, уч ярым, олти ярым ёшли бола-ларимиз билан тураемиз. Хали айтганимдай уйимиз жуда эски, ёмғир ёсга томдан чанка ўтиб кетдики, ҳовлида сув ҳалқоб бўлиб қолади. Канализация йўл, Фахат бизники эмас, Октябрь райони Чинор проведиди уйлари-нинг қўнчилиги шундай. 1984 йили мен район иж-роия комитетига мувожаат қилдим. Шундан кейин 182-қилиб мени навбатга қўйишди. Бугун (орадан уч йил ўтгач) навбатим 190-бўлиб қолди. 1984 йилда қаша навбатга туришмас эди. Чунки, ҳар йили уйлари-нинг бузилади, деб оғохлангилариди. 1983 йилда эса ҳатто киша қумир қамлаб юрмагилар, ҳаммани қўчирмадик, деб оғохлангилариди ҳам. Лекин қишда қумирсиз қолдик. 1984 йилда эса шаҳар БТИ-си вакиллари келишиб, маҳалламизни 1990 йилгача бузи-лмаслигини айтишди. ...Алам қилдиган ери шундайки, биз эримиз билан «Гавташкентстрой»нинг 2-пардозлаш трестига қарашли 47-қўриқни бошқарамиз. Пардозловчи бўлиб ишлай-миз (эрим 17 йилдан бери, мен 8 йилдан бери). Уй қури-маю, аммо ўзимиз юнги-на уй-жой шариотига эга бў-лиш ҳам умид боғлаб ол-маймиз. Ахир бу бедаво дардинг ўзгинаси эмасми? Йи жойи-да ҳам бизга ёрдам бери-шидан бош тортишяпти. Ҳолбуки, мен касба союз

ГАП ДЕСА ҚОП-ҚОП

МЕН 1984 йилнинг март ойидаёқ Тошкент район Со-вети ижроия комитетига мувожаат қилиб, марказда яқка тартибда уй қуриш учун ер акратиб бериш-ла учини сўраган эдим. Ижро-ком аризамни 1984 йил апр-ель ойида қўриб чиқиб, Ўзбекистон ССР Министр-лар Советининг 1988 йилги «Ҳўжалиқларда хўтор систе-масини тўзатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ильяч номи колхоз правленисеи эзмасига хўжалиқнинг мар-казидан ер акратиб бериш вазифасини юқлади. Аммо бу қўрсатма бажарилмай қоларди. 1985 йилда кол-хоз правленисеига иккинчи марта мувожаат қилиб, уйим авури ҳолатида эканлиги учун яшаш хавфи бўлиб қолганлигини айтдим. Чин-да мен 1986 йил 13 ок-тябрдаги эиллила кучли таъсир қилган эди. Шундан сўнг ижроком комиссия бел-гиледи. У аҳолини ўрганиб, хўжалик марказидан икки ҳафта ичда янги участка акратиб бериш тўғрисида қарор чинарди. Шундан кейин ҳам мен колхоз правленисеига тўх-товисиз қатнадим. Ҳар сафар «хўп, хўп, бақарамиз» дея ваъда беришарди. Мендек ёш коммунистга масъул раҳ-бар ўртоқларинг бундай тушунарсиз позицияси гал-ти тушолмади. Айниқса, пар-тия ва ҳўкуматимиз киши-ларинг талаб-эҳтиёжлари-га нисбатан гамхўр бўлиш-ни, гражданиларнинг ариза-ларини ўз вақтида инобатга олиб, икжойиб хал этишни қатъий талаб қилаётган бир пайтда хўжалик раҳбарлари-нинг лоқайдлиги ажабланир-лидир. А. УМУРЗОҚОВ.

ТОШКЕНТ-ХАСКОВО: ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА ШАРТНОМА



Дўстлар, қўлни-қўлга берайлик

Бизнинг Болгарияда шундай дейишди: агар икки дўст олмасини бир жойга қўйса барибир у иккиталингча нолади, бироқ агар икки фикр айтилса у вақтда ҳар бир кишининг иккиталидан фикри бўлади. Бизнинг дўстлигимиз ҳам Тошкент ва Хасково тўқимачилигининг кучига-кучи бўлди. Хасководаги Жеко Димитров номи тўқимачилик комбинати директорининг ўринбосари, болгариялик тўқимачилар делегацияси раҳбари Камен Продановнинг бу сўзлари уларнинг интернационал муносабати бўйича тошкентлик дўстлари ва рақиблари билан навбатдаги урғунларидан яқун ясагандек бўлди. Областимиз билан Хасково округи ўртасидаги дўстлик алоқалари бошланганга йигирма йилдан ошди. Бундан ўн йил муқаддам тошкентлик тўқимачи Дилбар Қўлматов ва унинг болгариялик касбдоши Иванна Гинева ўртасида меҳнат беллашув тўғрисида биринчи шартнома тузилган эди. Шундан бери икки қўнбатан коллективи бир-бири билан доим алоқада бўлмоқда. Тошкентлик машҳур тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Губинанинг Болгарияда жуда кўп дугоналари бор. Улар билан ана шу дўст мамлакатта борганда ва болгариялик ҳамкасбларининг жавоб визит

ХУШХАБАРЛАР ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Техниковай гоьларга қандай баҳо бермоқ керак, бу савол эндиликда Урта Осиё темир йўли хизматларининг ходим-ларини ташвишга соймади. Темир йўл бошқармаси ҳузу-рида ўнлаб касблар юзасидан иборат жамоатчилик кенгаши тузилди. Кенгаш ишининг сўз-сиз шартларидан бири шуки, у новаторларнинг ҳар қандай рационализаторлик таклифи-га, консултациясига, бахс-ли масалаларга ўн кундан ке-чиктириш жавоб беради. Кен-гашини тузишдан мақсад қорғ-озлик ҳовларини бартираф эътиб, техника ижодкорлигига мумкин қадар кўпроқ темир-йўлчиларни жалб этишдир.

ХОРИЖИ МАМЛАКАТЛАРГА

Тошкент таъриба ремонт-механика заводи коллективи хорижий мамлакатларга маъсу-лот етказиб беришни кенгай-тирмоқда. Корхона тарихида биринчи марта Хитой Халқ Республикаси учун 40 тонналик гидравлик пресслар тайёрлаб бошланди. Бу маъсулот чет элларда кўп-кўп харид қи-линмоқда. Прессларни ГДР, Монголия, Миср, Эфиопия, жа-ми 15 мамлакат фирмалари сотиб олмақда.

ТРАНСПОРТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Олмадиқ кон-металлургия комбинатининг 4-автотранспорт бошқармасига қарашли 4-автотража ҳайдовчилари июнь графигидан икки ҳафта ўзб кетдилар. «БелАЗ» автотомобилларининг А. Маматов, В. Еремченко, А. Рибиков, Г. Гречко бошқик эки-пажарли коллективнинг ме-хнат муваффақиятига катта ҳисса қўшдилар. Меҳнат му-носабатида эса шофер Ю. Ураев экипажи олдинда бор-моқда. Бу кичик коллектив тех-ниқани, материал ресурслар-ни асраб-авайлаш билан аж-

«Компрессор» заводи цех-ларида рақамли программа билан бошқариладиган ста-ноклар ишлаб бошладилар. Ме-ханика цехида — энг кўп ме-хнат талаб қилдиган участка-лардан бири — кўп ишлати-ладиган деталлар цехида бир неча юксак унумли агрегат ўрнатилди. Янги машина-уску-налар Буюмларни аниқ тай-ёрлаб, меҳнат сарфини ка-майтиришдан ташқари, ўндан ортқ ишинини бу қийин иш-лардан ҳоли этиш имконини беради. Электроника ўрне-тилган станоклар иттифоқ и-ки бошқарува ва чет элга ю-бориладиган турли компрессор станциялари учун деталлар тайёрлашда икки смена ишла-моқда. Завожда янги техника тўғрисида ўнлаб эски машина-ускуналар ҳисобдан чиқариб ташланди. (ЎзТАГ мухбири).

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЙ МИНИСТРЛИГИ КОЛЛЕГИЯСИНИНГ ҲАМЗА НОМЛИ САБЪАТНУНОСЛИК ИНС. ТИТУТИ, РЕСПУБЛИКА КОМПОЗИТОРЛАР, ТЕАТР АРБОВЛАРИ, ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ЖАНРИНИНГ АҲВОЛИ ВА ТАРАҚҚИЯТИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШИ ЎТКАЗИЛАДИ

КЕПИНГИ йилларда те-атрларимизда «Тоҳир ва Зухра», «Дайли ва Маж-нун», «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара», «Нурхон», «Май-саранинг иши» сингари машҳур музикали асар-лар қайта саҳналашти-рилди, уларнинг қўнчилиги янги таҳрирда томошаби-ларга тақдим этилди. Режиссёрларимизнинг бу пьесаларга тақдор мувожаат қилишларининг боси бор, албатта. Мазкур асарлар ҳар-гал янгила ёндашиши, за-мирида ётган фалсафий фикрларни ёриқроқ акс-эттиришни талаб этмоқда. Ўзбек драматургиясининг аjoyиб асарларидан бири «Нурхон» ҳам режиссёр Рустам Вобохонов олдин-ана шундай талаблар қўйди.

«Нурхон» драматик энг аввало, довулда чўкиб бо-раётган кемага бор кучи бил-ан ёпишиб олган жоқил диндорларга, разолатга қар-ши очикчасига кураш эълон қилинади. Нурхон эса бир-инчи қалдирғоч — дунё-вий шодликларга тўла ҳаёт-га, бахтга ва меҳнатга чо-рловчи бахт қушидир.

Хўш, спектаклнинг янги тақрибидида ўзига хослик-лар нимадан иборат? Ав-вало, асарда икки синф ва икки давр ўртасидаги туғ-нашув янада ёрқин ва об-разли акс эттирилган. Бир-инчидан, К. Яшин қаҳра-монларининг барчаси ўз хо-кимиятини барқарор этишга жон-жаҳди билан интилади. Иккинчидан, мазкур асарда адиб яратган образларнинг янги сифатлари намоён бў-лган. Мухим, Кимё (Нурхон-нинг онаси) ва Хузурхўжа каби персонажлар характе-рида инқилобий руҳ янада буртирди акс эттирилган. Учинчидан, спектаклдаги ҳар бир образ ўзининг шахсий ва гоъвий юкни кўтарган. Асарнинг ҳар бир қаҳра-мони, ҳатто у эпизодик образ бўлса ҳам, ўз таржиман ҳо-лига эга. Шу маънода Мул-лақамол ва Сарқор йўна-лишидаги образлар яққол кўзга ташланади. Уларнинг ҳаммаси бундан 40 йил ол-дин яратилган бўлса-да, ре-жиссёр драматургининг гоъвий мақсадларини яқин илаб олган.

Саҳналаштирувчи биринчи кўринишдаёқ асарнинг асо-сий мазмуни оғишга ҳа-ракат қилади. Р. Вобохонов-нинг бутун куч ва истево-дини асарнинг асосий мо-хиятини намоён этиш учун йўналтиради. Бу йўлда у музикали саҳна драматур-гининг бундан унумли фойдаланади.

дан маҳорат билан тақдир этилган саҳналардан бири-дир. Нурхоннинг онаси — Кимё-нинг аjoyиб ижро-чилари ҳақон ёндашди. Бу ҳақда гапирар эканмиз, ав-вало, СССР халқ артисти Л. Саримсоқова санъати едимизга тушди. Мазкур образнинг Ўзбекистон ССР халқ артисти Фароғат Раҳ-матова тақдирини ҳам янгила-ва ўзига хос. Кимё — Ф. Раҳматов биринчи парда-нинг бошланғичида камси-тилган ва ҳақоратланган,

«НУРХОН» — ҲАЁТ ҚУШИҒИ ПРЕМЬЕРАДАН СЎНГ



СУРАТДА: спектаклдан саҳна (қада) Нурхон ролида артист О. Гозиева, Кимё — Ф. Раҳматова, С. Коган фотоси.

эрининг хоҳишига бирор-иш қила олмайдиган иттоқ-кор аёл бўлиб қўринаса, ик-кинчи пардада унинг онги ўсиб бораётганини сезамиз. У эрининг қаҳр-ғазабни ости-да пинҳон ётган шикоятини намоён этади. Кимё — Раҳ-матова тақдиридан бутун фо-ниа — унинг ҳаёт шам-чи-роғи мустабид эр зулми ости-да внишга улгурмай ў-гани англашилади. Шу нуқта-на назардан унинг «Тез-қоқ, қизим, қоч!» Эсон бўл-санг, яна дийдор кўриша-миз. Ноч, бу мазордан, бу-гам-ғусса макондан қоч, ай-ланай, қоч!» деган сўзла-ри катта маъно касб этади. Аслида, бу сўзлар эрининг ўта мураббислиги ва эски-лик сарингларига қарши но-розилик бўлиб янграйди. Кимё янги ҳаётга интилади: мазкур образнинг бундай тақдир этилиши тақрибали актёр Ф. Раҳматованинг кат-та муваффақиятидир.

Музикали драмада хорео-графия борасидаги изланиш-ларда балетмейстерлар Ш. Аҳмедов ва Ю. Исметова-ларнинг меҳнатлари диқ-қатга сазовордир. Шунинг-дек, асарни саҳнага олиб чи-қишда театринг бош ре-жиссёри, Ўзбекистон ССР да хизмат қўрсатган артист В. Иштирговнинг амалий ёрда-ми катта аҳамият касб эт-ган.

Муваффақиятларни эъти-роф этган ҳолда, саҳна аса-рида бир мунча камчили-лар ҳам кўзга ташланади. Бу эҳтирос аввало, спек-таклдан бутунлай чиқариб ташланган Василий Иано-вий образга тааллуқлидир. Драматург К. Яшин мазкур образга кўпроқ таърих маъ-ноу юқатган. Василий Иано-вий 20-30-йиллардаги рус, Европа эйлилари фазилат-ларини ўзида мўжассамлаш-тирган шахс. Аслида у Нур-хон ва бошқа замондошлар-имизнинг юзага чиқини сабабчиларидандир. Спек-такл учун зарур бўлган бу қаҳрамоннинг назардан чет-да қилиб кетиши, бизнинг-ча, камчилик ҳисобланади.

Тўғриси айтганда, рас-сом А. Слугтининг саҳна бе-закарлиги бизни қониқтирма-ди. Негаки, у ишлаган сте-нографияда давр руҳи ёр-қин акс этмайдди. Мухими, эски замон билан янги давр ўртасидаги, икки жамаият ўр-тасидаги кураш муайян ба-дий рағналарда ўзифосини топтоган. Мухимий номи-да театр ижодкорлари бу саҳна асари устида ижодий изланишларини ҳали давом эттиридилар, тилга олинган камчиликлар баргараф эти-ладилар, деган умиддамиз. Улуғ Октябрьнинг 70 йил-лигига бағишлаб саҳнага ҳайта олиб чиқилган «Нур-хон» спектакли янада ба-раван жанрларга, замондош-ларимизни ҳаётда тинимсиз меҳнат ва ижод қилишга, халқимиз маданияти тобора юксалиши учун ҳисса қў-шишга даъват этади, деган фикрдамиз. Аҳмаджон РАҲИМОВ, санъатшунос.


ХАЛҚОВОД ПОСЕЛКАСИ МАРКАЗИДА УСМОН ЮСУПОВ ҲАЯКАЛИ ОЧИЛДИ

Шу йил 21 июнь — халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар куни Янгийул районидagi Халқовод посёлкаси яна бир катта тантанани марказига айланди. Бу ерда ўзбек халқининг содиқ фарзанди, атоқли партия ва давлат арбоби Усмон Юсупович Юсуповнинг ҳаякали очилди.

АТОҚЛИ ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ АРБОБИГА

Усмон Юсупов номи богдорчилик-узумчилик комбинати маданият саройи олдидаги майдонга эрталабдан меҳнат коллективлари, партиясини, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, уруш ва меҳнат ветеранлари, пионер ва мактаб ўқувчилари тўпландилар. Бу ерда Усмон Юсуповнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари ва яқин кишилари ҳам ҳозир бўлишди.

дегани В. У. Юсупов район партиясини ва совет ташкилотлари, У. Юсупов номи богдорчилик-узумчилик комбинати раҳбарларига, отасининг хотирасини қалб тўрида сақлаб келаётган барча кишиларга, ҳайкалтарош М. Н. Мусабоев ва архитектор Г. И. Кузнецов ўртоқларга самимий миннатдорчилик билдирди.



Суратда: атоқли партиясини ва давлат арбоби У. Ю. Юсуповга ўрнатилган ҳаякал. Р. Галеев фотоси.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЕЗГИ КАНИКУЛЛАРИ

МАЗМУНИ ВА МАРОҚЛИ

Синфдан синфга ўтиш имтиҳонларини муваффақиятли тоширган кўлаб болалар айтиш кунларда сулим тоғ ёнбағирларида жойлашган оромгоҳларда, баъзилар эса мактаблар қошида ташкил этилган шаҳар типидagi пионер лагерларида миририб хордиқ чиқармоқдалар.

Дам олиш мислинида маданият, оммавий, спорт тадбирлари мунгазам равишда ўтказиб турилади. Турли спорт ўйинлари, отрядлар аро «Куноқ стартлар», футбол, стол теннис, шашмак шашма мусобақалари шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳри бўйлаб саҳна ҳаёти келиши. Педагог тарбиячилар — Озода Юсупова, Авезжон Бекмуротова, Маҳбуба Ҳасанова, Мухаррам Мирҳамидова, Баходир Бурхонхўжаевларнинг ғайрати туйфайли «Ифодали ўқиш», «Музыка», «Моҳир кўлар», «Каштачилик», «Еш математик» каби тўғрақлар актив фаолият кўрсатаётган. Айниқса, «Пахтачилик» тўғраги аъзоларининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовор.

МЕДИЦИНА МУАССАСАЛАРИ ҲАЕТИДАН

КАСБГА «ОҚ ЙЎЛ»

Тошкент область соғлиқни сақлаш бошқармаси марказий касалхонасида медицина ходимлари кунини тантанали нишонлаш билан бир қаторда ёшларни касбга йўналтириш кўригини ўтказиб доимий антагани айланди. Кунини кеча бўлиб ўтган байрам ҳам одатдагидек шифохонанинг барча ходимлари тўпланиши. Касалхонада мураббийлар кенгаши тузилган бўлиб, унга тажрибали врач-эндокринолог Юлдуз Мансурова бошчилик қилади.

Эш ҳамшираларни тажрибали мураббиси, шифохона терапия бўлимининг мудири Н. Екубова, медицина ҳамшираларидан Р. Величико ва А. Чернишовадан таърихлаб, уларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилашларини баҳоладилар. Димо беморларга ширин-сўзлик билан муносабатда бўлиш, билмаганларини сўраб ўрганиш лозим эканлигини таъкидладилар. Ешлар бунга ярабган устозларига доимо яхши ишлашга, ҳеч қачон халот ва камчиликларга йўл қўймаслиқига ваъда бердилар. Шундан кейин шифохона кадрлар бўлимининг бошлиғи С. Гобурова ёш ҳамшираларга меҳнат дафтарчалари ҳамда эсдалик совғаларни топширди.

МАҚСАД олижаноб бўлган тақдирдагина эзгулик сари етаклайди. Акс ҳолда маҳв элади. Бу ҳаёт ҳақиқатини ҳар бир инсон умри давомида неча бор синаб кўради. Лекин айрим кимсалар бўладик, кўра билла туриб, қабил мақсад томон интилади, таваккал қилади, ҳаром-хариддан ҳазар қилмайди.

рация» хамирдан қил суғургандек битди. Колхоз 1982 йил учун мўлжалланган пилла планини «қойил» қилди. Давлатга 1548,1 килограмм пилла топширилди, деб рапорт берилди. Аслида бу қинғир ишнинг ортида бир гуруҳ шахсларнинг қаллоблиқлари ётар эди. ЖИНОЯТ қилувчи киши ҳам кулай фурсат излайди ва жадал ҳаракат қилади. Шаритининг ҳар бир босқини ва вақтига ўзинча баҳо беради. Ҳаёт ҳаракатларининг хавфсиз ва тўғрилигини ўлчаб кўради. Р. Болтаев ҳам соҳаларда дадиллик кўрсатар, қийин дамларда бутун «истеъдодини» ишга соларди. Шундай қилиб, кунларнинг бирида бошланган жиноят — жиноятлар занжирига айланиб, бир эмас икки йил давом этди.

ленисининг раиси Сайидвали Абдуллаев эди. Офаринбозлик, сохта шон-шухрат қозонишга ўрганиб қолган бу шахс қандай бўлмасин «қийин шароитларда» ҳам планининг улдасидан чиқишга ҳаракат қилди. Афсуски, унинг ҳаракатлари тўғри йўлдан бормадим. Чунки у давлатни алдашнинг, кўзбўямачиликнинг, пора билан иш битиришини одат қилиб олган эди. С. Абдуллаев ўша йил ҳам «пешқадимлар сафига» кириб қарор қилди. Авраб-алдаш, дў-дўнаса услубларини ишлатиб, ёнига колхоз бош бухгалтери Абдулла Юнусов, кассир Неъмат Шимонов, пилла топширувчи Уринбек Жуманазаров, бригадир Жуман Сайдаевларни жалб қилди. Оқибатда 1548,1 килограмм пиллани гўё «тоширди» қилиб, сохта, товарсиз квантиция-ордерлар тўғрилиди. Шундай қилиб, колхоз ўша йилги пилла тайёрлаш планини 120,4 процент қилиб «бажарди» (!).

риетим» шу экан, деб ўйлаши ҳеч гап эмас. Шу тариқа одамлар планларнинг, мажбуриятларнинг бажарилмаслигини ҳаёлларига ҳам келтирилмас эдилар. Ҳайбаракатчилик муҳити ана шундай эди.

НУҚСОНСИЗ деб билинган «операциялар» фожияли ва даҳшатли тугади. Тиканил пиллалар тешиб чиқди. Рустам Болтаев Эзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 119-моддасининг 11 қисми, 152-моддасининг 11 қисми, 149-моддасининг прим ва 155-моддалари бўйича айбдор, деб топилди. У 10 йилга озодликдан маҳрум этилди, шаҳар пилла тайёрлаш фондига мусофара қилинди. С. Абдуллаев — 6 йил, А. Юнусов — 6 йил, Э. Файзев — 8 йил, Н. Шимонов — 4 йил, У. Жуманазаров — 4 йилга озодликдан маҳрум этилдилар. Қолганлари ҳам ўзларига яраша «насиба»ларини олдилар.



СУРАТЛАРДА: шифохонада ёшларни касбга йўналтириш бўйича ўтказилган кўриқдан айрим лавҳалар. А. Зуфаров фотолари.

1982—1983 йилларда пилла топшириш мавсуми бошлангани билан Рустамнинг бутун фикри-экири, бутун маҳорати ўзининг жиний мақсадларини амалга оширишга қаратилди. У олдиндан оқ раён бўйича пилла топшириш планининг бажарилмаслиги ҳақида «каромат» қилар, план бажарилмасга баъзан бир хўжалик раҳбарларининг ишдан бўшатилиши ҳақида «миш-миш»лар тарқатарди.

Пиллахона директори Кузанбоевдан «оқ фотиҳа» олган Рустам илми-жамиди ишга киришди. «Ленинизм» колхозни раиси Элчибоев, шу колхоз пилла топширувчиси Аслибоев, Вотинцев номли колхоз партиясини ташкилотининг секретари Курбанов, шу колхоз пилла топширувчиси Худабоев, Ҳ. Олимжон номли колхоз раиси Эргашев, пилла топширувчиси Холбоев, «Оққўрғон» совхозни бригадани бошлиқлари Абдураулов, Нуриддинов, Охунбоев номли колхоз раиси Абдурахмонов, партиясини ташкилотини секретари Юнусов, Навоий номли колхоз раиси Исроиллов, партиясини ташкилотининг секретари Саидахмедов, «Ленинбод» колхозни раиси Эгамбердиев, пилла топширувчиси Хусанов, Куйбишев номли колхоз раислари Абдуллаев, Файзев, шу колхоз пилла топширувчиси Жуманазаровларнинг «тапларини қайтармай», «ёрдам қилишга» ваъда берди.

Суддан кейинги ўйлар

«Пилла ва хийила»

«Пилла ва хийила»

Advertisement for 'Спорт' (Sport) featuring a group of athletes in white tracksuits holding trophies. Text includes 'БУБКАНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ' and 'ИККИНЧИ ЛИГАДА'.

Advertisement for 'Спорт' (Sport) featuring a portrait of a man. Text includes 'МАВКЕНИН ЯНДЕ МУСТАҲКАМЛАБ ОЛДИ' and 'ХАЛҚОВОДИНГ «СОХИБКОР» ФУТБОЛЧИЛАРИ КЎРГОНТЕПЕДА «ВЕХШ» КЛУБИ БИЛАН УЧРАШИБ, 0:1 ҲИСОБИДА ЕНГИЛИШДИ.

Advertisement for 'Спорт' (Sport) featuring a portrait of a man. Text includes 'Суннатни кўрган борми?' and '1974 йилда шу райондаги Охунбоев колхозда туғилган Худойбердиев Суннат Абдуллаевич қилдиришмоқда. У 1987 йил 17 мартда Пискент шаҳридаги 79-маҳсус мактаб-интернатдан ҳеч қандай сабабсиз чиқиб кетган ва қайтиб келмаган, дом-дараксиз йўқолган.'